



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Набиева Дилбархон  
Авазовна

*Toшкент тиббиёт академияси тьютори*

**Психологик хизматни ташкил этишнинг умумий муаммолари**

**Аннотация.** Психологик хизмат кўрсатиш психологик амалиётнинг нисбатан янги тармоғи ҳисобланади. Мазкур қасб клиник бузилишларга эга бўлмаган, бироқ психологик ёрдамни излаган инсонлар эҳтиёжига жавобан юзага келган. Ушбу мақолада психологик хизмат кўрсатишни муаммолари хақида тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** психологик хизмат, психологик ёрдам, клиник бузилишлар, психологик консультация, психологик тест, шахс, психотерапия, психотерапевт, эмоционал ҳолатлар, шахслараро муносабатлар.

**Аннотация.** Психологические услуги являются относительно новой отраслью психологической практики. Эта профессия возникла в ответ на потребность людей, не имевших клинических расстройств, но обратившихся за психологической помощью. В данной статье рассматриваются проблемы психологических служб.

**Ключевые слова:** психологическая помощь, психологическая помощь, клинические расстройства, психологическое консультирование, психологическое тестирование, личность, психотерапия, психотерапевт, эмоциональные состояния, межличностные отношения.

**Annotation.** Psychological services are a relatively new branch of psychological practice. This profession arose in response to the need of people who did not have clinical disorders but sought psychological help. This article discusses the problems of psychological services.



**Keywords:** psychological services, psychological care, clinical disorders, psychological counseling, psychological testing, personality, psychotherapy, psychotherapist, emotional states, interpersonal relationships.

Сўнгги йилларда аҳоли ўртасида “шартли равища соғлом” деб аталган, яъни, психоневрологик клиникалар доирасидан ташқарида психотерапевтик ёрдам сўраб мурожаат қиласиган шахслар сони ортиб бориши қайд этилмоқда. Одамлар психологларга ўзларига яқин инсонлар билан муносабатларда юзага келаётган муаммолар, ишхонадаги мураккаб вазиятлар, ўзини ўзи англаш, яъни, ўзини чукурроқ тушуниш масалалари ва ҳ.к. муаммолар бўйича ёрдам сўраб ташриф буормоқдалар. Кўпчилик ҳолатларда психологик психологик консультация сўраб мурожаат қилаётган шахсларда қайси психолог-консультантга кириш саволи кўндаланг туради, унинг муайян тажрибага эгалиги, эркак ёки аёл мутахассис билан боғлиқ танлов масаласи, психологик ёрдамдан кутилмаларнинг ижобати масаласи, психолог-консультант жинси билан боғлиқ уларнинг эҳтиёткорликлари, шахсга хос муаммолар кўлами ва унинг сир сақланиши масалаларидан иборат саволларнинг салмоғи ортиб бормоқда. Ушбу илмий маколада психологик хизматни ташкил этишининг умумий муаммолари, психологик ёрдам курсатиш, психологик консультациялар тугрисида маълумотлар берилди.

Психологик хизмат кўрсатиш психологик амалиётнинг нисбатан янги тармоғи ҳисобланади. Мазкур қасб клиник бузилишларга эга бўлмаган, бироқ психологик ёрдамни излаган инсонлар эҳтиёжига жавобан юзага келган. Шунинг учун психологик хизмат маркази томонидан ташкил этилган индивидуал психологик психологик консультация ва гурухий психологик психологик консультацияда кундалик ҳаётда қийинчиликларни бошидан кечираётган одамларга тўқнаш келамиз. Уларнинг муаммолари спектри жуда кенг бўлиб, ишлаш жойидаги қийинчиликлар (ишхонадаги қийинчиликлар, ўз ишидан ёки қасбидан қониқмаслик, шахслараро низолар, ишдан бўшаш эҳтимоли), шахсий ҳаётдаги қийинчиликлар ва оиласдаги келишмовчиликлар, мактабда ўзлаштираслик, ўз ўзига ишончнинг этишмаслиги, ўзини ўзи баҳолаш тизимининг пастлиги, қарор қабул қилишдаги иккиланишлар, шахслараро муносабатларга киришиш ва қўллаб-кувватлашнинг, фанларни ўзлаштириш билан боғлиқ муаммолар мураккаблиги ва ҳ.к.лардан иборат. Бошқа бир томондан психологик психологик консультация у хоҳ индивидуал бўлсин, хоҳ гурухий-психологик амалиётнинг нисбатан ёш соҳаси сифатида ҳозирча жиддий белгиланган чегараларга эга эмас, унинг доирасига турли-туман муаммолар киради.

Психологик ёрдамнинг бу икки соҳасининг тақсимланиши мураккаб вазифа бўлиб, професионал психолог ўзининг нима билан шуғуланаётганини айтиши қийин – психологик консультация билан шуғулланадими ёки психотерапия биланми, аниқлаб бериши мушкул. Психологик консультацияда ҳам, психотерапияда ҳам айнан бир клиент ва психотерапевт шахсига қўйиладиган талаблар мавжуд бўлади. Ҳар иккала



холатларда ҳам мижозга ёрдам консультант (психотерапевт) ва мижоз ўртасидаги ўзаро таъсирга асосланади. Бу иккала соҳани бўлиш қийинчиликлари туфайли баъзи амалиётчилар “психологик психологик консультация! Ва “психотерапия” терминларини синоним сифатида қўллайдилар.

Холбуки жуда кўп мамлакатларда мазкур касблар алоҳида талқин этилса-да, уларни қисман ажратиш учун асослар етарличадир. Bramer ва Shostrom (1992), психологик консультация ва психотерапиянинг ўзаро мутаносиблиги ҳақида гапирав эканлар, континуумнинг икки нуқтасини тасаввур қилишни таклиф этадилар. Биринчи нуқтада психолог касби онг даражасида ҳал қилинувчи вазиятли муаммоларни ўз ичига олади ва клиник жиҳатдан соғлом индивидларда юзага келадидиган муаммолар билан шуғулланади Мана шу нуқтада психологик консультация жойлашади. Иккинчи нуқтада муаммоларни онгиззик жараёнларига йўналган ҳолда таҳлил қилиш, шахс структурасини қайта қуриш билан боғлиқ клиник жиҳатдан соғлом одамларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш ётади. Бу ерда психотерапия соҳаси жойлашган. Нуқталар орасидаги соҳани ҳам психологик консультация, ҳам психотерапия деб аташ мумкин.

Gelso, Fretz (1992), Blosher (1966) психологик консультациянинг қуидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатадилар:

- психологик консультация клиник соғлом шахсга йўналтирилган бўлиб, психологик қийинчиликлар, невротик характердаги шикоятлари мавжуд бўлган, ўзини яхши ҳис қилаётган, бироқ ўз олдига бундан кейинги ривожланишини мақсад қилиб кўйган шахсларга ёрдам беришни назарда тутади; психологик консультация шахснинг бузилишлар даражасидан қатъий назар соғлом томонларига мўлжалланган, бу мўлжал ишончга қаратилган, яъни “инсон ўзгариши, уни қониктирадиган ҳаётни танлаши, ўз иктидорини намоён қилиш усусларини излаши мумкин” деган ишончdir (Jordan Myers, 1998);

- психологик консультация кўпинча мижозларнинг ҳозирги ва келажак кунига йўналтирилади; психологик консультация одатда қисқа муддатли ёрдамга мўлжалланган (15 та учрашувгача);

- психологик консультация шахс ва муҳит ўзаро таъсирида юзага келувчи муаммоларга йўналтирилади;

- психологик консультацияда консультант иштирокига қадрият сифатида қаралади; психологик консультация мижоз шахси ривожланишига ва хулқ-авторини ўзгартиришга йўналтирилган.

Психологик амалиётда деярли ҳар куни инсон ҳаётининг турли жабҳалари билан тўқнаш келишга тўғри келади. Консультант мижоз билан биргаликда унинг унчалик эътиборга молик блўмаган ёки ўта муҳим муаммоларини муҳокама қиласи ва унга ёрдам беришга харакат қиласи. Жумладан:

- Кундалик танловлар мотивларини англаб олишда;
- Жуда эмоционал муаммоларни ва шахслараро муносабатлардаги чигалликларни ҳал этишда;



- Ички хаосни енгишда ва х.к.;

Психолог консультантнинг мутахассис сифатидаги фаолиятининг самарадорлиги кўп ҳолатларда унинг психопсихологик консультациядаги ўз ўрнини қандай тасаввур қилишига боғлиқ бўлади. Ана шу борада аниқлик бўлмаса, ўз ишида маълум бир назарий принципларга таянмаса, балки фақатгина мижоз кутилмалари ва эҳтиёжларига жавоб беришга интилса, бундай мутахассис яхши натижаларга эриша олмайди. Мижозлар эса кўпинча консультантдан уларнинг муаммолари учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олишни ва бутун муаммоларни ҳал қилиб беришни кутадилар, масалан қаерда ўқиш, ишхонадаги муаммоларни қандай ҳал этиш, турмуш ўртоғидан ажрашсинми ёки йўқми ва х.к.

Таъкидлаш жоизки, психолог-консультант фаолияти ҳақида гап кетаркан, унинг психодиагностика билан боғлиқ фаолияти ҳақида ҳам гапирмасдан иложимиз йўқ. Психология доим жуда қизиқарли масалалардан бири – мазкур конкрет инсон қандай одам эканлигини унинг индивидуал- психологоик ва индивидуал- типологик хусусиятларига қараб аниқлаш масаласини ҳал этишга интилиб келинган. Бундай ахборот инсоннинг у ёки бу вазиятдаги хулқ-атворини олдиндан айтиб бериш икониятини беради, бу эса инсон ҳаётининг барча соҳаларида жуда муҳим ҳисобланади. Ҳар қандай вазиятда ҳам энг кучли психологик диагностик методикалар - бу интеллект тестлари, шахсни ўрганувчи тестлар, шахслик сўровномалари ҳамда проектив методикалар бўлиб, уларишлатилишига кўра ўзининг узоқ тарихига эгадир. Бу даврга келиб жуда кўп фойдали психометрик усувлар ишлаб чиқилди. Психологик тестлар ёрдамида шахсни тадқиқ этиш – бу психологик тестларни қўллаган ҳолда шахснинг маълум психологик сифатлари ва хоссаларини текширишdir. Психологик тестларни асосан ўқитиш ва тарбиялашни оптималлаштиришда, ишга қабул қилишда, психотерапия ҳамда психологик психологик консультация ўтказишида, психокоррекция учун қўллайдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, амалий психолог фаолияти фақатгина психодиагностик муолажа билан якунланиб қолмайди. Психологнинг психологик консультацияни фақатгина психодиагностик тадқиқотлар билан чеклаши профессионал нуқтаи назардан нотўғридир. Бундан ташқари психодиагностик методикаларни танлашда психолог - мижоз муносабатлари-нинг тўғри шаклланишига эришиш учун ҳаракат қилиш лозим. Баъзи психодиагностик методикаларда, айнан сўровномаларда келтирилган саволларга аёллар эркак консультант олдида жавоб беришга хижолат бўладиган вазиятларга дуч келамиз ва аксинча аёл консультант олдида эркаклар ҳам ўз ички дунёсини очишдан уялиб турадилар. Шу ўринда пациентларнинг гендер хусусиятларни ҳисобга олиш консультатив фаолият самарадорлигига ижобий таъсир қилишини таъминлайди.

Биз бошдан кечираётган бугунги ўзгаришлар даври айнан истеъодди ва иқтидорли, зеҳни ўткир, мулоҳазали, янгидан янги кашфиётларга қодир инсонларни тарбиялашни талаб қилмоқда ва иккинчи томондан мустақилликнинг ўзи туб маънода ана шундай баркамол авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитларни яратиб бермоқда.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Алешина Ю. Е. Специфика психологического консультирования// Вестник психосоциальной и коррекционно-реабилитационной работы. Журнал. – 1994. - №1. – С.22-33.
2. Мелибаева Р. Тиббий психодиагностиканинг методологик муаммолари. – 2021.
3. Melibaeva R. N. Status and Prospects of Medical Psycho-Diagnostics in Uzbekistan //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2021. – Т. 8. – №. 12. – С. 555-565.
4. Нарметова Ю. К. Актуальные проблемы организации психологической службы в клинических учреждениях //Человеческий фактор: Социальный психолог. – 2017. – №. 1. – С. 119-123.
5. Нарметова Ю. К. Особенности психокоррекционной работы с беременными женщинами //Контактная информация организационного комитета конференции. – 2016. – С. 35.
6. Нарметова Ю. К. Социально-психологический механизм организации психологических услуг в медицинских учреждениях (на примере больных с онкологическими заболеваниями) //Школа будущего. – 2015. – №. 3. – С. 148-153.
7. Нарметова, Ю. (2016). СПЕЦИФИКА РАБОТЫ ПСИХОЛОГА В КЛИНИКЕ ВНУТРЕННИХ БОЛЕЗНЕЙ. ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА, 33(4), 53–57.
8. Narmetova Y. K. ORGANIZATION OF THE PSYCHOLOGICAL SUPPORT IN THE CARDIOLOGY CLINICS //Theoretical & Applied Science. – 2016. – №. 7. – С. 28-31.
9. Narmetova Y., Kuldosheva G., Bekmirov T. The Psychological Services Role in the Psychodiagnostics and Psychocorrection of Psychosomatic Patients in the Psychoemotional Situation //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2021. – Т. 8. – №. 12. – С. 249-256.
10. Tursunaliyevna A. M., Karimovna N. Y. MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARIDA MADANIY-GIGIYENIK MALAKALARNI TARBIYALASH-BOLALAR ORGANIZMINING JISMONIY RIVOJLANISHIDA MUHIM VOSITA //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. – Т. 3. – №. 1. – С. 98-103.